

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ  
ОЙЛИГИ  
БОШЛАНДИ



2

ШАРҚОНА ЭМАС,  
ФАРБОНА



3



6

ДАРАХТДАГИ  
УЙЛАР

ГУЛДАН НОЗИК  
КЎНГЛИ  
БОЛАНИНГ...



8



БАТАН МАНЗАРАЛАРИ

## САМАРҚАНД — ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК КЎПРИГИ

Самарқандни пиёда айланиш кимларгадир орзу, кимларгадир армон. Биз, самарқандликлар учун эса бу кўзимиз ўнгидаги энг қулай имконият. Шундан фойдаланиб, автобусга миндим-у, қайдасан, Тошкент кўчаси, дея йўл олдим. Автобуснинг ўзидаёқ шаҳардаги ўзгаришлардан кўз узиб бўлмайди. Йўловчиларга қарайман, уларнинг ҳам нигоҳи кўчалардаги турфа ўзгаришлардан чакнаб турибди.

2



### “ОБУНА — 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дард-каш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?

**ИНДЕКС:** Якка обуначиларга — 176,  
Ташкилотларга — 177



Шодия ТЎХТАЕВА,  
актриса:

— Актёр ҳамиша тасаввур, руҳий кечинмалар билан ишлайди. Тасаввурни кенгайтирадиган энг кучли қурол, истайсизми-йўқми, бу — китоб. Шу боис актёрнинг китоб ўқимаслигини унинг энг катта хатоси деб биламан.

4

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кўчага Регистон майдони томондан ўтдим. Илк нигоҳингиз икки томондан замонавий ва миллийлик уйғунлашган бинолар қад ростлаган кўчанинг кенг ва ораста эканлигига тушади. Бинолар ёнида пиёдалар учун йўлак ва ўртада алоҳида катта кўча. Унда йўловчиларни Регистон билан Сиёб бозори ўртасидаги йўлни яқин қилиб электромобиллар қатнаб турибди. Йўлаklar четдаги ариқлар,



унинг ёнида ям-яшил майсазор, манзарали дарахлар кўчанинг хуснига хусн қўшган. Оёқ остидаги плиткалар, йўл четдаги фонуслар ҳам ниҳоятда файзли.

—Бир пайтлар бу кўчадан машина ҳам, от-арава ҳам ўтаверар, йўл четдаги ариқлар турли чиқитлардан тўлиб кетарди, - дейди кўчага киришда жойлашган «Чорсу» чойхонаси раҳбари Шаҳобиддин Намжиддинов. — Ёзининг иссиқ, қишининг намгарчилик кунлари бу ерларда юриш азоб бўлган. Ўзим деярли шу кўчада улгайдим. Сабаби, отам ҳам, бобом ҳам шу ердаги чойхонада ошпаз бўлганлар. Ҳозирда уларнинг ишларини давом эттираялмиз. Айтганимдек, ота-боболаримиз ҳам шу ерда яшаган. Аммо шу пайтгача хали бундай ўзгариш, бу даражадаги улкан бунёдкорликни кўрмагандим. Мана, чойхонамиз ҳам миллий ус-

## САМАРҚАНД — ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК КЎПРИГИ

лубда, шунингдек, замонавий талаблар асосида қурилди.

Ростдан ҳам кўчанинг янги-ча кўриниши, йўловчиларнинг ҳам кўчада юриш, ўзини тутиш маданиятига таъсир қилиши шубҳасиз. Кўчадаги йўлнинг тоза-озодалиги фикримизни тасдиқлаб турибди. Чойхонадан шундоқ ўтганда иссиқ ноннинг ёқимли ҳиди димоққа урилади.

Бу «Сиёбон» корхонасига тегишли дўкон. Шу ерлик аҳоли бунда тайёрланадиган 10-15 хил турдаги нон маҳсулотларидан харид қилишади. Ҳатто чет элликлар ҳам уларнинг нонларига хариддоргир экан.

Яна бир бино пештоқига «Хунармандлар маркази» деб ёзиб қўйилган. Сиз бу ёзувни ўқимасданок унда хунармандлар тўпланишини ҳис қиласиз. 1898 йил қурилган ушбу тарихий бинонинг таъмирланиб, у ерда 17 та устaxonанинг очилганига ва маскан «Хунармандлар маркази»га айланганига кўп бўлгани йўқ. Уста-хунармандлар шу ернинг ўзида турли буюмларни ясашиб, сотувга чиқаришади. Дарвоқе, ўрта асрларда бу худуд Тим деб аталар, хунармандчилик буюмлари шу ернинг ўзида ясалиб, одамлар шу буюм ҳамда турли маҳсулотларни харид қилиб кетаверишар экан...

Кўчадаги қатор биноларнинг аксарии-

яти савдо дўконлари. Пештоқда бир хил, ўзбекча ёзувли замонавий услубдаги катта ойнаванд дўконлар хариддорлар учун қулай. Дарвоқе, дўконларда биз кўничиб қолган маҳсулотлар эмас, «антиқароқ» буюмлар сотилади. Йўқ, ҳайрон қолманг. Уларнинг антиқалиги ким учундир урфга айланаётган уй безаклари-ю, совғалар бўлса, кимнингдир кўнглини ҳаприқтирадиган, ҳар бир чокида миллийлигимиз уйғунлашган, меҳр тикилган турли аёл-



лар либосларидан тортиб, уй-рўзгор буюмлари, ҳар бир жарангида кулолнинг қўллари изи қолган сувенир, рўзгор идишлари — хуллас, ҳаммаси бизнинг буюмлар эканлигида. Уларни антиқа деб атаганимиз учун маъзур тўтинг. Ахир шу пайтга қадар бундай буюмларга чет элликлар учун совға сифатида қараганмизда. Аммо...

—Илгарилари дўкондаги хунарманд-

### РЕПОРТАЖ

чилик буюмларини, дўппилару, кашталарни кўпроқ чет эллик сайёҳлар харид қилишарди, — дейди дўконлардан биридаги сотувчи Фотима опа. — Лекин бугун ўзимизнинг ёш қизлар дўппи, рўмоллар, катта ёшдагилар эса уйлари учун зарур буюмларни харид қилишмоқда. Ахир ўзимизникига нима етсин.

Бундан ташқари хонаки гуллар, совғалар, ўзимизда ишлаб чиқиладиган гиллавлар, мусиқа асбоблари сотиладиган дўконлар ҳам эътиборингиздан четда қолмайди. Замонавий услубда қурилган мактаб, боғча ҳам кўчага ҳамоҳанг тарзда жойлашган. Шу худуддан кириб-чиқиладиган кўчалар бошига дарвозалар қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, бу кўча шаҳарнинг кўркіга кўрк қўшибгина қолмай, услуб жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам шаҳарнинг қиёфасини ифодалайдиган катта хиёбонга тенг. Уни айланаркансиз, ҳақиқий тарихий шаҳарчага тушиб қолгандай ҳис қиласиз ўзингизни. Регистон майдонидан Бибиҳоним масжиди орасидаги йўл сизни ўтмиш ва келажак билан боғлаб тургандай гўё. Сиёб бозори эса ҳамон халқимизнинг тўкин-сочин дастурхони-ю, юртимизнинг осойишталигини расталар тўкинлиги ва одамлар ила гавжумлиги билан кўз-кўз қилиб тургандай.

Бу ерни сиз ҳам маза қилиб айлангандирсиз ёки энди шунга аҳд этгандирсиз. Албатта боринг. Шунда ўтмиш билан келажакнинг нозик тури сизнинг Ватанга, Самарқандга бўлган муҳаббатингизни яна-да ошириши шубҳасиз.

Гулруҳ МЎМИНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири,  
Самарқанд шаҳри

## UNIFEM ҲАМКОРЛИГИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТҚАЗИЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси БМТнинг Аёллар ривожланиш жамғармаси (UNIFEM) билан ҳамкорликда «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаёtgа кенг тадбиқ этиш» лойиҳаси доирасида кўламли ишларни бошлади.

Жорий йилнинг 21-25 октябр кунлари Қозғонистон Республикасининг Алмати шаҳрида мазкур лойиҳа доирасида 5 кунлик семинар-тренинглар ўтказилди.

Бу йиғинларда жами 15 нафар вакиллар, яъни лойиҳанинг миллий координатори, аёлларни ижтимоий гуруҳларга жалб этиш, гуруҳларни микроолиялаш, жамоатчилик билан ишлаш бўйича экспертлар, ҳуқуқшунослардан жами 6 нафар ҳамда ушбу лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида амалга оширилиши режалаштирилгани боис ушбу худудлардан ҳам жами 9 нафар вакиллар иштирок этишди.

Иштирокчилар мазкур жараёнда БМТнинг Аёллар ривожланиш жамғармаси (UNIFEM)нинг бош техник маслаҳатчиси Сагила Джусоева, Микрокредитлаш бўйича халқаро даражадаги эксперт Субҳаш Вадава, Ижтимоий бир-бирини қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро эксперт Соумтхири Рамачандраналарнинг лойиҳани амалга тадбиқ этиш борасидаги тақдиротларини тингладилар.

Тақдиротлар доирасида қуйидаги йўналишлар бўйича мезонлар Ўзбекистон шароитида қўллаш учун мослаштириб чиқилди:

— лойиҳа тадбиқ этиладиган маҳаллаларни танлаш;

— ижтимоий бир-бирини қўллаб-қувватловчи гуруҳ аъзоллигига аёлларни жалб этиш;

— гуруҳлар ичида ички жамғармани шакллантириш, улардаги кўникма ва тажрибага суяниб, гуруҳларни микрокредитлаш жараёнини ташкиллаштириш ва хоказо.

Интерактив усулда ўтказилган семинар-тренинглар натижасида қишлоқларда яшаётган аёллардан гуруҳлар тузиш, улар томонидан ички маблағларни жамлаш ва ундан унумли фойдаланиш, шу жараёнда орттирилган тажриба ва кўникмага суянган ҳолда аёлларга ижтимоий бир-бирини қўллаб-қувватловчи гуруҳ аъзоси сифатида гуруҳ кафиллиги асосида 3 фойзли кредит маблағлари ажратиш бўйича қўлланмалар, ишда фойдаланиш учун сўровномалар, фаолият мезонлари, лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Режага мувофиқ, мазкур лойиҳанинг келгуси босқичида жорий йилнинг декабрь ойида юқоридаги гуруҳларни шакллантиришда кўмаклашувчи «мобилизатор»лар учун 3 кунлик семинар-тренинглар ўтказилади. Лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда уларнинг ўз иқтисодий имкониятларини кенгайтиришига, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожланишига катта улуш бўлиб қўшилади.

Гулжамоил АСКАРОВА,  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси.  
Тошкент — Алмати

Бу ойликни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад аввало мазкур хасталикнинг глобал аҳамиятга эга эканлиги, шунингдек, унинг келиб чиқишининг олдини олишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат. Маълумки, кейинги пайтларда республикада қандли диабетга чалиниш ҳолатларини кескин камайтириб боришга эришилаётгани диққатга моликдир. Эътиборли жиҳати, бундай беморлар давлатимиз томонидан бепул дори-дармонлар билан таъминланмоқда.

— Ўзбекистонда диабет билан касалланган даражаси беш фойзини ташкил этади, —

### САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар ва Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча худудларида шу йилнинг 1 ноябридан 1 декабригача ташкил этилган «Қандли диабет ойлиги» тадбири доирасида кенг қамровли ишлар бошланди.

учун ҳеч қандай асос бўла олмайдди. Энг муҳими, соғлом одамларнинг ҳеч бўлмаса йилда бир марта қондаги қанд

— «Қандли диабет ойлиги»да туман ва қишлоқ-овуллардаги маҳаллалар ва барча ўқув мактапларида ўзбекистонлик тажри-

## ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

дейди Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭИАТМ) директори Саид ИСМОИЛОВ. — Лекин беморларнинг кўпчилиги ўз вақтида шифокорга мурожаат этмаётганликлари сабабли диспансер рўйхатига киритилмаганлари ҳам бор. Ўз саломатлигимизга бундай лоқайд муносабатда бўлиш келгусида салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмайлик. Яна шунинг ҳам эсдан чиқармаслик керакки, қандли диабетга чалиниш — бирданига тушқунликка тушиб қолиш ёки бўлмаса бошқалардан бу хасталикни сир тутиш

миқдорини текширтириб туриш одатга айланса, аяни муддао бўларди.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, РИЭИАТМ ҳамда унинг республика миқозидидаги барча филиал ва диспансерлари замонавий даволаш-ташхис асбоблари билан тўлиқ таъминланган ва беморларга маънавий, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш кенг йўлга қўйилган. Бу борада фаолият юритаётган мутахассисларнинг кўпчилиги Япония, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Италия ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг етакчи клиникаларида малака ошириб келишмоқда.

бали эндокринолог шифокорлар билан бирга уларнинг хорижий ҳамкасблари, мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, шунингдек, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, кўрик-танловлар уюштирилиди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Дилфуза ҲАСАНОВА. — Шунингдек, Халқаро диабетга қарши кураш қуни муносабати билан РИЭИАТМ ҳамда унинг жойлардаги диспансерларида «Очқ эшиклар қуни» ўтказилиб, ушбу ойликда қатнашганлар эса бепул тиббий қўриқдан ўтиб, маслаҳатлар олишади.

Ўз муҳбиримиз

## УЧИНЧИ СЕКТОР

## ТОТУВЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Хоразм вилояти «Меҳригиё» аёллар маркази «Оилавий муносабатларни уйғунлаштириш» лойиҳасини муваффақиятли амалга оширди.**

Макур лойиҳадан кўзланган мақсад турли тренинглр ёрдамида, маҳалла маслаҳатчиларнинг психологик кўникмаларини такомиллаштириш ва шу орқали ўзбек оилалари мустаҳкамлигига ҳисса қўшишдан иборат эди. Марказ томонидан 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган ижтимоий-психологик тренинглр тажрибаси асосида тренер Ш. Разақовнинг «Оила (ўйланиб уйлан, уйланиб ўйлан)» китобини тайёрлади ва бу кўлланимга 5000 нусхадда рус ва ўзбек тилларида чоп этилди.

«Оилавий муносабатларни уйғунлаштириш» лойиҳаси доирасида шу йилнинг июнь-июль ойларида Хоразм вилояти маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилардан 128 нафари икки кунлик семинар-тренингда жалб қилинди. Машғулотлар жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари раислари, «Маҳалла» жамғармаси вакиллари, ЎзЛиДеПнинг туман кенгашлари ходимлари, бир қанча хусусий фирмалар раҳбарлари ва коллеж директорларидан иборат 27 нафар кузатувчи меҳмонлар иштирокида олиб борилди.

Маҳалла маслаҳатчиларининг бевосита оилалар билан ишлаши жараёнида семинар-тренинглр натижаси яққол намён бўла бошлади. «Оила» китобидаги билимларни ёшларга етказиш орқали 24 та оилада эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг тикланишига эришилди.

— «Оила» китобидаги фикрлар бугунги ёшларнинг дунёқарашига яқин ва тушунарли баён қилингани учун ишимни анча енгиллаштирди, — дейди Ҳазорасп туманидаги Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Сайёра Машарипова. — Маҳалламиз худудидagi 3 та мактабда 38 нафар хотин-қизлар, 52 нафар ўқувчи-ёшларни оилага тайёрлаш бўйича



давра суҳбати ўтказдим. Айниқса, вояга етган йигит-қизлар билан мулоқотда, никоҳ гувоҳномаси оиланинг пойдевори, ёшларнинг бир-бири олдидagi масъулиятини ҳис этиш сари ташланган биринчи қадами эканини атрофлича тушунтиришга эришдим, деб ўйлайман.

Ҳонқа шаҳарчасидаги 5-маҳалла маслаҳатчиси Гулнора Аҳмедова ҳам оилавий муносабатларда айрим муаммоларга дуч келаётган кўпала келин-куёвларга ўз ёрдамини аямай келмоқда. Унинг ўзи хайрли яқун топган бир воқеа ҳақида шундай хикоя қилади:

— Маҳалламиздаги бир келинчақ қабулимга келиб: «Мени оиламда ҳеч ким ҳурмат қилмайди, ишларимни қадрлашмайди. Чидайвериб сабрим тугади. Бўлди, энди ажрашишга қарор қилдим», деди. Мен у билан обдон суҳбатлашдим ва кетар чоғида: «Қизим, бирор қарорга келишдан олдин мана шу китобни ўқиб чиқинг, илтимос», дея қўлига «Оила» қўлланимни тутқаздим. Орадан кўп ўтмай, келинчақ яна хузурига келди ва: «Бу китобни ўқиб чиққач, инсон энг аввало ўз қадрини англаб етиши ва ўзи учун яшаши кераклигини тушундим. Яқинларимга қандай муомала қилишни ўргандим. Ҳозир эрим ва қайнонамнинг менга бўлган муносабатлари яхши томонга ўзгариб бораётганини ҳис қилаяпман», деди. Бундан мен ҳам мамнун бўлдим.

Янгибозор туманидаги Очақалъа қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Тозагул Кенжабоева ҳам семинардан олган кўникмаларини амалиётга тадбиқ қилиш орқали ажрашган 2 та оилани яраштириш, эр-хотин келишмовчиликларини ҳал қилиш ва қайнона-келин муносабатларини яхшилашга эришаётганини таъкидлайди. Бундай мамнулни тўла сўзларни машғулотларда иштирок этган деярли барча маҳалла маслаҳатчиларидан эшитиш мумкин.

Лойиҳа Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳомийлигида, Хоразм вилоят хотин-қизлар кўмитаси, ЎзЛиДеПнинг вилоят кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда амалга оширилди.

**Насиба БОБОЖОНОВА,**  
Хоразм вилояти «Меҳригиё»  
аёллар маркази раҳбари.

Ҳамма ҳавас қиладиган гўзал ва бетакрор урф-одатларимиз, ўзига хос анъаналаримиз билан ҳар қанча фахрлансак, мақтансак арзийди. Айниқса, тўй-ҳашамларимизнинг ўрни, файзи-таровати бўлакча. Улар орасида ҳар биримиз учун бир умр эсда қоладиган никоҳ маросимини олайлик. Ажойиб манзарани бир кўз олдингизга келтиринг: Саҳна тўрида гул-гул яшнаб, бир-бирига ярашиб ўтирган келин-куёвлар шаънига ҳар қанча таърифлар айтсак ярашади. Замона зайли

## ШАРҚОНА ЭМАС, ФАРБОНА

деймизми, ёки тараққиётнинг яшин тезлигидаги шиддати туфайлими, худлас, кейинги йилларда ана шундай бахт кечалари — тўйлар ҳам кескин ўзгариб, яъни шарқона миллий урф-одатлар ўрнини фарбона, яъни «европача» кўринишлар эгаллаб бораётгани кўпчиликни уйга толдирмақда. Бу ҳолат эса, айниқса, пойтахт ёки йирик шаҳарларда кузатилмақда.

Кейинги йилларда мутахассислар, шу жумладан, «Оила» илмий-амалий маркази томонидан ўтказилаётган тадқиқот-сўровларда эътироф этилганидек, республикамиз аҳолисининг кўпчилиги келин-куёвларнинг ўртача никоҳ ёши 18–21 бўлишини маъқул кўришаётгани беҳиз эмас. Сабаби, сўнгги пайтларда қизлар 17–18, йигитлар эса нари борса 18–20 ёшда турмуш қураётган ҳолатлар кўп учрамоқда. Оқибатда бирор бир тайинли касб-хунари, маълумоти, ёки ҳали мустақил ҳаёт қуриш, рўзгор тебратиш ҳақида тасаввур бўлмаган ёшлар ўз муаммоларини ота-оналари зиммасига юклаб қўйишмоқда. Бу эса баъзан турли оилавий низо ва келишмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётди.

Кимдир «Хўш, эртароқ» ола хуржунни елкага олишнинг ни-

## ТҮЙЛАРИМИЗ — УЙЛАРИМИЗ

маси ёмон, аксинча, тезроқ пишад, чиниқади, бола-чақали бўлгач, ҳаммаси унутилади», деган фикрни ҳам айтиши табиий. Тўғри, ҳаммамизнинг ўзимизга яраша орзу-ҳавасимиз бор, буларни ҳеч ким рад этолмайди. Чунки бу дунёда ҳар ким ўз мақсад-истагини рўёбга чиқариш учун елиб-югуриб яшайди. Афсуски, маҳалла-қўй, фуқаролик йиғинлари ва кўпни кўрган кек-

кўрсатиш ўрнига уларни бўлар-бўлмасга камситиш, айб қидириш яхшиликка олиб келмайди.

«Ешлик» талабалар шаҳарчасида ўтказилган учрашувда дугоналаримдан бири кутилмаганда гоёта қизик, айни чоғда кўпчилигимизга ўрнатилган қўйилган саволни ўртага ташлади: «Баъзан катта ёшдагилар бизга ўз фикр-қарашларини мажбуран ўтказмоқчи бўлишади. Масалан, яқинда менинг бир дугонам турмушга чиқди. Тўйдан олдин бўлғуси қайнотаси атлас мато жўнатиб «Келиним тўй оқшомига шундан чиройли куйлак тиктириб кийсин», деб шарт қўйибди. Ахир, ўйланг, ҳар қандай келин никоҳ кечасида оқ куйлак кияди-ку! Бу ҳақда нима дейсиз?!»

Залга жимлик чўкди. Мулоқотга таклиф этилган адиб секин бизлар томонга қараб олди-да, кейин: «Худо хайрингизни берсин, сингилжон, марҳамат, сиз агар оқ куйлак киймоқчи бўлсангиз, бемалол кияверинг. У киши тўғри қилибди, ҳозир катта ёшдагиларни никоҳ қўйлагининг қандай матодан тикилиши ёки қай рангда бўлиши эмас, балки шарқона эмас, фарбона русум-услубда тайёрланаётгани ўйлантиряпти» дея оқилона жавоб қайтарди...

Шу лаҳзада хаёлимга «Ўтган кунлар»даги Юсуфбек ҳожининг марғилонлик келин — Кумуш билан илк учрашуви манзараси келди. «Марғилонда бизнинг шундай келинимиз бор экан-ку... ҳожи астагина кафтини Кумушнинг пешонасига тегишиб, сўнг ўша кафтини ўпиб қўйди»...

Энди айтинг, Шарқона одо-ахлоқ, ҳаё ва ибонинг бундан-да ортироқ кўриниши бормикан? Фалакнинг гардиши айланиб, мабодо Юсуфбек ҳожи бугунги келин ёки қизларга рўбарў келиб қолса борми... улар билан қандай қуришган бўлур эди? Билмадим...

**Камола АҲМЕДОВА**

## «SHIRINLIK»NING АЧЧИФИ ФОШ БЎЛДИ

Шундай кимсалар борки, амалдаги қонунга риоя этиб яшаш гўё уларнинг ҳамёнига зарар. Чунки бундайлар ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида рўйхатдан ўтказилган «Osiyo shirinliklari» ҚҚМЧЖнинг тўғри фаолият олиб бораётгани ҳақида ҳабар берилди. Уни текшириб кўриш учун департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари тезкор тадбир орқали айтилган манзилга йўл олишди. Корхонага тегишли дўконда ўтказилган қиска мурадли текширув давомида харидор Х. Дадаева янги килограмм қандолат маҳсулоти тортиб берган дўкон сотувчиси М. Абдурахмонова сотилган маҳсулот учун 1200 сўм пул олди-ю, назорат касса машинасида чек уриб беришни унутди. Корхона ходимлари дастлабки синовдан ўтмагач, ходимларимиз томонидан текширув бошлаб юборилди. Бу эса корхонанинг бундан бошқа ҳам анчагина қинғир ишларини очиб берди. Биргина ўша кунги савдо пуллари ва НКМ хотираси солиштириб кўрилганида 857.700 сўм фарқ чиқди. Бундан маълум бўладикки, корхонанинг айрим нафси ҳақалак отган маъмурлари солиқдан қочиш ва назорат қилинмайдиган фойда олишни кўзлаб, дўконга кирган харидорларнинг кўпчилигига чек бермасдан маҳсулот сотишган.

Текширув давомида аниқланишича, сотувчи рўйхат қилиб борадиган иккиламчи дафтар бор-

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

лиги ҳам аниқланди. Бу эса қонунбузарларнинг жуда кўп қинғир ишларини очишда катта ёрдам берди. У ердаги ҳисоб-китоблардан сўнг савдодан тушган 25.266.860 сўм тушум пулларининг фақатгина 4.993.700 сўми банк муассасасига топширилиб, қолган пуллар солиқдан қочиш ва назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида ўзлаштириб юборилгани маълум бўлди.

Корхона мансабдор шахсларининг қинғир ишлари шу билан ҳам якунига етмади. Дўкондаги маҳсулотлар текшириб чиқилганида, у ерда 1.258.732 сўмлик хужжати йўқ маҳсулотларнинг ҳам мавжудлиги ошкор бўлди.

Суд мажлисида қонунбузарлар «Osiyo shirinliklari» ҚҚМЧЖнинг директори Масрур Усмонов ҳамда унинг яқин ёрдамчиси — сотувчи Меҳринисо Абдурахмоновалар айбларига тўлиқ иқрор бўлиб, қилган ишларидан пушаймон эканликларини билдиришди. Аммо бу иккирол жазодан қутилиб қолиши учун асос бўлмади ва улар тегишли тартибда жавобгарликка тортилишади.

**Тўлқин ШАРИПОВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги  
СВОЖДЛҚК Департаменти  
Тошкент шаҳар бошқармаси  
Суриштирув бўлими бошлиғи.

— Шодияхон, сизда санъатга бўлган меҳр-муҳаббат қачон пайдо бўлган? Балки бунда оилангиздаги ижодий муҳитнинг ҳам таъсири бордир?

— Болалигимдаёқ ҳамма нарсага қизиқувчан, романтик киз эдим. Онам ўқитувчи бўлганликлари учунми, негадир шу соҳага ҳурматим бошқача эди. Айниқса, адабиётни жудаям яхши кўрардим. Лекин санъаткор бўлиш, театр сахнасида роль ўйнаш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Такдир шекилли, Авиация институтининг биринчи босқичида тахсил олиб юрганымда кадрдон дўстларим билан учрашадиган бўлди. Дугоналарим орасида Санъат институти талабалари ҳам бор эди. Улар билан суҳбатимиз жараёнида ўзимдан менда ҳам бу соҳага қизиқиш уйғонди ва институт қошидаги тўғараққа қатнай бошладим. Бир кун вокалдан машқ қилиб турсам, шу институт ректори машғулотиимизга кириб келиб, мени узоқдан кузатиб турди-да: «Кизим, сизда санъатга мойиллик, энг муҳими, қобилият, ташқи кўриниш, овоз бор экан, бизда ўқимайсизми?» — деб қолди. У кишининг гапларини эшитиб, ўзимга бўлган ишончим орти ва келажакдаги режаларим ҳақида жиддий ўйлаб қолдим ва... Санъат институтига ҳужжатларимни топширдим. Омадди қарангки, энг юқори балл билан ўқишга қабул қилиндим. Оиламизда санъаткорлар бўлмагани учунми, аввалига онам норози бўлди. Биласиз, бу соҳанинг ўзига яраша қийинчиликлари, оғир синовлари бор. Талабалик йилларим имтиҳонлардан олдин битта роль устида соатлаб ишлардим ва кеч қолганим учун онамдан роса танбеҳ эшитиб, йилгадан пайтларим ҳам бўлган. Амам илк ролим — Шекспирнинг «Ёз туни гаройиблари» пьесасидаги Еленани кўргач, онамнинг касбимга муносабати кескин ўзгарди. Худога шукрки, у кишининг меҳрибонлиги, қўллаб-қувватлови билан эндиликда эмин-эркин ижод қилиб юрибман.

— Буюк ва эл суйган санъаткорларни етиштириб берган Миллий академик театрдa халқимизнинг сеvimли санъаткорлари билан елкамаелка ижод қилишнинг ҳам ўзига яраша масъулияти бўлса керак-а?

— Бўлмасам-чи, биринчи курсда ўқиб юрган пайтларимда устозлар эътиборига тушиб қолдим ва улар мени театрга ишга таклиф қилишди. Бу табаррук жойда ишлашни орзу қилмаган актёр кам бўлса керак. Бу борада бахтим кулган, десам янглишмайман. Биринчи келган кунимдаги ҳолатлар ҳеч эсимдан чиқмайди. Мен учун афсонавий туюлган, болалигимдан ҳавас қилиб келган актёрларим Эркин Комил, Рихси Иброҳимова, Тўти Юсуповларни кўриб, шунақа қувонганманки, ҳатто кўзларим ёшлаган. Шохида Исмоиловага термулиб ўтириб, беихтиёр «Мен сизни яхши кўраман», деб юборибман. Ана шундай истеъдодли санъаткорлардан ибрат олиб, баъзан ўрни келганда танбеҳ эшитиб ижод қилиш, улар билан битта муҳитдан нафас олиш, устозлар меҳрига қониб камол топишнинг ўзи бир бахт ва айни пайтда жиддий масъулиятдир. Зеро, уларнинг ҳар бири ўзига ҳос дунё, ибрат мактабидир.

— Фильмларда кўпинча такаббур, ўзига бино кўйган

Кейинги йилларда миллий кино ва сериаллардаги ўзига хос образлари билан мухлислар кўнглидан жой олаётган, театрда ҳам ўнлаб ранг-баранг драматик роллари билан мутахассислар эътиборини қозонишга ҳаракат қилаётган ёш ва умидли актриса Шодия Тўхтаева...

хотин-қизлар образини талқин этасиз. Нима деб ўйлайсиз, режиссёрлар сизнинг ташқи кўринишингиздан келиб чиқиб шундай роль беришадими, ёки?..

— Кинода кўп нарсани ташқи кўриниш — тилаб хал қилади. Айнан юз тузилишим, қошимнинг чимирилиб туриши, такаббур, шаддод аёлларга мос тушса керак-да. Лекин театрда кўпроқ ички имкониятларимдан келиб чиқиб роллар ижро этаман. Ҳозирча, киноижодкорлар менинг ички дунёмни ҳисобга олишмаяпти, назаримда. Умуман, ташқи кўриниш ҳамма нар-

акс эттиришга тайёрлаб борман ва юрагим ҳаприқиб кетиб, жоним халқумимга тикилиб келаётганини ҳис қилиб тураман. Ахир, ўлаётганимга ўзим ишонмасам, томошабинни қандай қилиб ишонтираман?! Шундай изтиробли сахналар албатта руҳиятимга таъсир этмай қолмайди, аммо парда ортига ўтганимдан сўнг, таъзимга чиққунча дори ичиб тинчланишга, ўзимга келишга, сахнадаги барча салбий ҳиссиётларни унуттишга ҳаракат қиламан. Оддий инсоннинг ҳаётида бундай вазиятлар умри давомида санокли марта содир бўлиши мумкин. Лекин



ШОДИЯ ТЎХТАЕВА:

## САҲНА ЁЛҒОННИ КЎТАРМАЙДИ

сани ҳал қилмаслигини англамайдиган режиссёр хато қилади. Сериаллардаги ролларини кўриб юриб, кейин театрга тушган томошабинларнинг айримлари: «Синглим, биз сизни сериалдаги ролларингизга қараб, жудаям кўпол, шартанки қиз деб ўйлагандик. Энди кўрдик, сиз мутлако бошқача экансиз», деб кўйишади. Тўғри, экран артисти тез танитади, машҳур қилади. Аммо барибир театр сизнинг нимага қодир эканлигини белгилайди.

— Айнан ана шундай роллардан кейин руҳиятингизда қандай ўзгаришлар кечади? Яратган образингиз таъсирдан чиқа олмай юрган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Театр назариячиларидан

актёр бундай изтиробларни, ҳаяжонларни умр бўйи, баъзан кунига икки марта, гоҳ қилиб, гоҳ йилга ўтказишади. Бу, бирибир, истаимизми-йўқими, йиллар ўтган, ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

Буни юзларингизга эрта тушган ажиндан, ёш бўлсангиз-да, қон босими, юрак ҳасталигига чалинганингиздан кейин сезасиз. Ўзингизга олмасликка ҳаракат қилганингиз билан, вужудингиз, танангиз шу нарсани яшаб ўтказадик-ку! Бекорга санъат фидоийлигини, кўрбонлигини талаб қилади, дейишмайди-да.

— Талқин этилаётган ролнинг омадли ё омадсиз чи-

сина. Бундай пайтларда кўп қузатамиз, профессионал актёр хонандани тортиб кетади, гўёки шу йўл билан мувозанат ушлаб турилади. Лекин барибир ҳар иккала томон юксак маҳорат эгаси бўлмаса, бир-бирига мос тушмаса, кемтиклик билиниб қолади. Партнёр танлашнинг ҳали кўп қовун пишиги бор, деб ўйлайман. Балки ҳеч қачон танламасдирман.

— Актёрларнинг ижодий фаолиятида китобхонлиқнинг ўрни қай даражада деб ўйлайсиз? Ўзингиз охири марта қандай китоб ўқидингиз?

— Актёр ҳамиша тасаввур, руҳий кечинмалар билан ишлайди. Тасаввурни кенгайтирадиган энг кучли қурол, истаисизми, йўқми, бу — китоб. Шунинг учун менинг шахсий фикрим, китоб ўқимасликнинг ўзи энг катта хато. Биз бирор ролга тайёргарлик кўришдан олдин ўзимизнинг тасаввурларимизга сунямамиз. Қаҳрамоннинг ташқи ва ички кўриниши, кийган кийими, у яшаётган давр, муҳит, кўз қараши, хатти-ҳаракати — ҳамма-ҳаммасини ҳис қила олмасак, ролимиз профессионал даражада чиқмайди, белгиланган характерни очиб бера олмаймиз. Китоб ўқийдиган ва ўқимайдиган актёр саҳ-

нада ҳам билиниб туради. Ҳатто оддий томошабин ҳам унинг кўз қараши, ўзини тутишдан сезиб қолади. Мутлоа қилганимиз сари дунёқарашимиз, ақл-идроқимиз чархланиб бораверади. Ўзимга келсак, охири кунларда Михаил Булгаковнинг «Уста ва Маргарита»-сини ўқиб тугатдим. Умуман, бирор адиб асарини мутлоа қилмоқчи бўлсам, унинг услуби, нима демоқчи экани, дардларини тушуниб олиш учун қамаида бешта асарини танлаб оламан. Чеховми, Дюма ёки Айтматовми, ҳар бирига икки ойдан вақт ажратаман. Чунки уларнинг ижоди ҳақида муайян



бири Станиславскийнинг «Агар спектаклдан кейин ўзингизда чарчоқ ҳис қилсанг, демас, сен ролни нотўғри ўйнагансан. Чарчоқинг, йиги-сигинг, изтиробларинг сахнада қолиб кетиши керак. Саҳна ортига ўтдингми, бошқа одамга айландингми-лозим», деган ибратли гапи бор.

Илоҳи борича ана шу ўғитга амал қиламан. Саҳнада қаҳрамонимнинг руҳий ҳолатларини беришда бир муддат ўша дард, изтироб билан яшайман. Масалан, ўлим сахнасини ўйнаётган чоғимда ўзимни босқичма-босқич ҳам жисмонан, ҳам руҳан ўша нозик ва мураккаб ҳолатни

қишида партнёрнинг таъсири борми?

— Театрда партнёрнинг ўрни жуда муҳим. Айниқса, психологик драма, трагедия ёки классик асарларда жуфтингиз билан ҳамоҳанг, ҳамфикр бўлолмасангиз, чин дилдан ўйнолмайсиз. Иккала томон ҳам бир-бирини тўлдиролмайди, ўзаро мулоқоти чинакам диалог бўлиши лозим. Ақс холда, у бир кишининг маҳорати билан монолог бўлиб қолади. Кинода бу унчалик сезилмайди. Айниқса, ҳозирги хусусий фильмларда йигит профессинал актёр бўлса, қиз бирор хонанда бўлади. Ёки ак-

✓ ГУРУНГ

бир фикрга эга бўлиш, дастхатини ажрата олиш учун бир-икки асарнинг ўзи камлик қилади. Билмадим, балки бу оилавий тарбиянинг таъсиридир, асли болалигимдан бошлаб китоб менинг энг яқин дўстим бўлган. Шу боис сўемкалар, репетициялардан чарчаган пайтларимда ҳам ўзим ёқтирган асарларни ўқиб ҳордиқ чиқараман.

— Ўзингиз билан тенгдош ижодкорларни ўрта олаётган санъаткорлари билан солиштирганингизда қандай ютуқ ва камчиликларни кўрасиз?

— Бизнинг энг катта ютуғимиз — мустанқиллик даврида камолга етаётганимиз, бевосита Юртбошимизнинг ёш истеъдод соҳибларига кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги, ҳукуматимизнинг театр ва кино санъатига алоҳида эътибор қаратаётганидир. Чиндан ҳам ҳозирги авлод вакилларига ҳавас қилса арзийди. Ўзларини ҳамма жабҳада синиб кўришларига имконият бор. Кинода сўемкага тушишади, театрда рол ўйнашади, дубляжда қатнашади, ҳаммасига улғуришади. Хуллас, ҳаракат қилиб чарчашмайди. Камчиликлари ҳақида гапирадиган бўлсам, кўпчилиги китоб ўқишмайди. Жаҳон классик адабиёти тугул, ўз адабларимизнинг асарлари ҳақида ҳам етарлича маълумотга эга эмас. Қўлларига тушган китобдан бир абзац ўқиб муаллифларини фарқлай олишса, интеллектуал салоҳиятлари баланд бўлса, шубҳасиз, уларни томоша қилгани келган мухлисга нимадир бера олишади.

Санъаткорда ташқи ва ички гўзаллик, истеъдод ва билимнинг ўзгунлиги, тоза юрак ва юксак тафаккур мужассам бўлсагина, у Шахс бўлиб етишади. Афсуски, кимдандир истеъдод бору, аммо билим етишмайди. Бошқа бировда билим яхши-ю, истеъдод унчаликмас.

— Сиз ҳали турмушга чиқмагансиз. Сир бўлмаса, келажакда умр йўлингизни қандай инсон билан боғлашни хоҳлардингиз?

— Оиламиз унчалик катта эмас. Онам Юлдуз Тўхтаева ўқитувчи-педагог бўлиб ишлайдилар. Отам оилали, икки нафар фарзанди бор. Биз онам иккимиз яшаймиз. Орзуимдаги шахзодага келсак, жуда ҳам ақлли, кўп ўқиган, мендан кўра анча интеллекти баланд, дунёқарашни кенг одам бўлишини хоҳлардим. Чунки, инсон қанча ақлли, билим доираси кенг бўлса, унда ҳамма инсоний фазилатлар мужассамланади, деб ҳисоблайман. Турмуш ўртоғим билан гаплашадиган умумий мавзуларимиз бўлса, дейман. Бундай одам ўйлабманки, ҳақиқий санъатнинг қадрига етади ва менинг касбимга муносабати ҳам ижобий бўлади. Менинг ҳаётдаги шiorим оддий — моддий эмас, ақсинча,

маънавий дунёси бой ва бир-бирини тушуниб яшаётган инсонлар бахтлидирлар.

Назаримда, ана шу ақида устун бўлган оилада ҳақиқий бахт ҳукм суради.

«Оила ва жамият» муҳбири Шаҳноза РОФИЕВА суҳбатлашди.

## ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ

Маълумки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик, хусусий бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган ва бу соҳада салмоқли муваффақиятларга эришилмоқда. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатиغا олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида" ги қарорида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга кенг жорий этиш юзасидан қабул қилинган махсус низоом асосида фаолият юритаётган пойтахтимизнинг Миробод тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан яқна тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар ишини амалдаги мавжуд қонунларга биноан ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Туманимиз ҳудуди бўйича оладиган бўлсак, шу йилнинг 1 октябргача 706 нафар тадбиркорни давлат рўйхатидан ўттиши таъминланди. Уларнинг 154 нафарини янги рўйхатга олинганлар ташкил этади. Айти пайтда жамиятимиз тараққиётига ўзининг фойдали меҳнати билан баҳоли қудрат улушини қўшиб келаётган тадбиркорларга 1185517,0 минг сўм миқдорда даромад солиғи белгилаб қўйилган бўлса, улардан жорий йилнинг 1 октябргача 1207358,0 минг сўм миқдорда даромад солиқлари ундиришга эришилди. Шунингдек, туманда транспорт соҳасида аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, шу жумладан, солиқ қонунчилигида белгилаб қўйилган шартларни назорат этиш бўйича ҳам қатор амалий тадбирлар ўтказилиб, ноқонуний фаолият юритган фуқароларга тегишли тартибда молиявий чоралар кўрилди.

Энг асосийси, юқорида зикр этилган қарорнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик соҳасида хайрли ишларни амалга оширишни ният қилган юртдошларимиз ўртасида кенг тарғиб этиш билан бирга, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, ўз фаолиятларини изчил давом эттиришларига кўмаклашамиз.

Эльхан ГУСЕЙНОВ,

Тошкент шаҳар Миробод тумани ДСИ бошлиғи муовини.

## ЭРТАНГИ КҮН ЭГАЛАРИ

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ҳаётга жорий этиш бўйича олиб борилган изчил ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, ҳар томонлама соғлом ва етук авлодни вояга етказиш, уларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ ҳаётий дастурларни амалга оширишда республикамизнинг барча ҳудудларида мазкур соҳага дахлдор муассасалар фаолияти кучайтирилмоқда. Бу борада Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги 12-сон "Кичкинтой" боғча-санаторийида ҳам ибратли ишлар олиб борилганлиги таҳсинга лойиқдир.

— Бу ажойиб масканда истиқлолимиз фарзандларини тарбиялаб, улғайтираётганимиздан хурсандимиз, — дейди **БОҒЧА-САНАТОРИЙ МУДИРАСИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АЪЛОЧИСИ ДОДАР ОПА ХОЛМИРЗАЕВА (суратда)**. — Улар эртанги кунимизнинг муносиб эгалари, порлоқ келажакимиз ворислари бўлиб етиштишларига ишончимиз комил.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ



## DOCTOR-D КЛИНИКАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Жинсий органлар ўлчами инсоннинг бошқа аъзолари каби, энг аввало, унинг авлодлари ва ривожланиш даражасига қараб белгиланади. Агар фарзанд ҳомилалик чоғида ёки туғилгандан кейинги даврда унинг жинсий органи шаклланишида турли сабабларга кўра, айрим камчилик ёки нуқсонлар (масалан, эркак жинсий гормони ҳисобланмиш тестостерон етишмовчилиги) борлиги аниқланган бўлса, ташқи жинсий орган ривожланиши бузилган ҳисобланади.

Бу борада муаммолар туғилса, ақсарият ҳолларда жаррохлик амалиёти биринчи ўринга чиқади. Аммо шуни таъкидлаш керакки, жинсий органлар, яъни эркак олатини каттартириш ё узайтириш билан боғлиқ бу операциялар ҳар доим ҳам ижобий натижаларга олиб келавермайди. Аммо шу билан бирга сизга жинсий органини нохирургик усул билан каттайтиришнинг энг безарар ва қўлай усулини ҳам тавсия этишимиз мумкин. Бу ўзига хос хусусиятларга эга ва инсон организми учун мутлақо безарар ҳисобланган **ЭКС-тендер** аппаратиدير. Ушбу аппарат Илизаров аппаратининг замонавий ва мураккаблашган тури ҳисобланиб, у эркак жинсий органини каттайтирувчи ва узайтирувчи хусусиятга эга эканлигидан ташқари, ундан ҳаттоки уй шароитида ҳам махсус машқлар ёрдамида фойдаланиш ва олат ҳажмини ўзгартириш, унинг диаметрини каттайтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, **ЭКС-тендер "Андропенис"** ва вакуумли эректор аппаратлари энг фойдали ва безарар, дунё миқёсида кенг қўлланадиган келинаётган тиббий мосламалардан биридир.

**DOCTOR-D** клиникасида 2005 йилдан буён вакуум-эректор аппаратини қўллаш йўлга қўйилган бўлиб, бу соҳада катта тажриба тўпланган. Шу боис ушбу аппаратдан бевосита бизнинг масканимизда фойдаланишингиз ёки харид қилиб олишингиз мумкин.

Бу борада бизнинг **"DOCTOR-D"** ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57).  
E-mail: [hospital@doctord.uz](mailto:hospital@doctord.uz)  
URL: <http://www.doctord.uz>

Лицензия № ПЮ-2876.

## «NORBEKOV SOG'LOMLASHTIRISH MASKANI»

Сизларни соғломлаштириш  
курсларига таклиф этади!

Агар Сиз истасангиз дардингиздан халос бўлишингиз мумкин. Бу йўлда биз Сизга ёрдам берамиз. Бунинг учун Сиздан фақат хоҳиш, ҳаракат, ишонч ва озгина меҳнат талаб қилинади. Бизнинг марказимизда академик Мирзакарим Норбеков услуби бўйича ҳеч қандай дори-дармонсиз, ташқи таъсирларсиз 10 кун мобайнида турли хил машқлар ёрдамида инсоннинг ички ҳимоя кучлари ишга солиниб, қўлаб дардлардан фориғ бўлишингизга кўмаклашади.

**Жумладан:** кўз касалликлари, астигматизм, узоқ ва яқинни кўра олмаслик, катаракта, қон томирлар варикозини, қон босими ошиши, остеохондроз, юрак-қон томирлари хасталиғи, кўз ва қулоқ нервлари невритлари, ички аъзо хасталиклари, ошқозон-ичак хасталиғи, ўпка-нафас олиш системасидаги муаммолар, модда алмашинуви, умуртқа поғонаси, гинекологик, урологик, аллергик тери хасталиғи, астма, простатит, гипертония, экзема ва бошқа касалликлар. Бундан ташқари, соғлигингизни тиклабгина қолмай, турли хилдаги оғриқлар, руҳий тушкунлик, уйқусизлик, асабийлашиш ҳолатлари, оилавий ва атрофингиздагилар билан бўладиган муаммоларни бартараф этишингизга ёрдам беради. Академик Мирзакарим Норбековнинг соғломлаштириш услуби фойдали, шу билан бирга оддий ва самарали. Бу усулнинг асосини шарқ файласуфларининг мумтоз аъналарини ва қадим китобларда тасвирланган, йиллар синовидан ўтиб келган соғломлаштириш усуллари ташкил қилади. Бу услуб ёрдамида марказимизда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонлар фойдаланишлари мумкин.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

Тошкент шаҳри,  
"Ўзлон-ота қўчаси", 23 «а»-уй.  
Мўлжал: метронинг М. Улуғбек бекати,  
9-қаватли сариқ бинонинг орқасидаги 2 қаватли бинода.  
Батафсил маълумот учун телефонлар: (8 371) 276-44-59; 276-23-89.  
[www.norbekov.uz](http://www.norbekov.uz) e-mail: [madadi-sino@mail.ru](mailto:madadi-sino@mail.ru)

Гувоҳнома № 000162.

## «ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Барчаси амалиёти билан
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш.	Тўкувчилик — 2 ой.
Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.	Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.	Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Уйгурча таомлар ва салатлар — 1 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.	Арабча ва миллий рақс — 3 ой.
Педикюр, маникюр — 1 ой.	
Сартарошлик — 3 ой.	
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.	

Ётоқхона мавжуд. Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.

Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи),

(8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

## «EURO PLUS»

САЛОНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Малайзия, Туркия, Корея мамлакатларидан келтирилган бежирим ва бетакрор тўй либослари;

Соч турмақлаш;

Маникюр, педикюр, макияж хизматлари.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси. Мўлжал: «Судола» ресторани.

Мурожаат учун телефонлар: (+99897) 156-20-81 (+99897) 158-02-80

Ҳурматли Сотволди Мирноусович!


63 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга оилавий бахт, ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

ТРАКТ TRANS МЧЖ номидан Шавкат Комилов.

Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси Жомуродов Алар Очилович номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Исмаилов Борис Мамасалиевич номига берилган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани (собиқ Киров тумани) Сандиқ-қўрғон (собиқ Ялтинский) кўчаси, 20-уйининг p-p № 1608 рақамли "Уй режаси" йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.





✓ ХОТИРА ЁҒДУСИ



Илгарилари кўпчилик тоғ олди қишлоқларида боғ яратиш яхши натижа беришига ишонмагани учунми, кўчат ўтказиш, дарахтлар парвариши аниқ мақсадларга қаратилмас эди. Самарқанддаги Амир Темур боғлари ҳақида маълумот тўплаб, боғдорчиликка қизиқиб юрган шоиртабиат ўқитувчи Бувсалима Сатторова эса бу ҳақда узоқ ўйлаб, аниқ режа билан ишга киришди. Гарчи ўзи қарийб 35 йил давомида Самарқанд шаҳридаги 18-мактабда «Илм боғбони» сифатида ёш авлодга устозлик қилган

қазилди. Илк мевалар пишганида, эл-улусни сайилга чорлаб, ош берганида, кекса отахонлар боғ соҳибасини шундай дуо қилгани эсимизда: «Бу дунёда боғ яратган одамни Оллоҳ ҳамиша бахту саодатга, саовобга дахлдор қилмоғи, қўламоғи шубҳасиз. Демак, Бувсалима қизимизнинг бу хайрли ишлари ҳам абадийгача дахлдор десак муболага бўлмас...»

Чинакам боғбонлик шундай бир тилсим эканки, унинг завқи-ни ўзинг эккан дарахтларнинг илк мевасини тотганда биларкансан.

# ЯХШИДАН ҚОЛГАН БОҒ

бўлса-да, барибир бир умр ўз қўли билан ниҳоллар қадаб, ажойиб боғ яратиш орзусида яшади. Шаҳарда умргузаронлик қилган аёлнинг пенсияга чиққан, фарзандлари, неваралари ардоғида маза қилиб хордиқ чиқариш ўрнига, барча хузуру толоватдан кечиб, Бахмалдаги ҳали Жумжум қишлоғида, ташландик, тошлок, бунинг устига сел йўлида боғ яратишга ундаган куч нима экан, деган ўй ҳалигача бизларни қийнайди.

Хуллас, ўшанда Бувсалима опа енг шимариб, тошлоқнинг тошини териб, ён-атрофдаги тепалиқлардан тупроқ сурдириб, маҳаллий ўғит ташитиб келтирди. Бу ер атрофига тўсик сифатида оқ мируза тераклар экилди. Кейин эса олма, қароли, шафтоли, ўрик, наштави ва ноқларнинг сархил навларидан кўчатлар қадади. Ниҳолларнинг ярми Самарқанддан, ярми эса Фаргона тарафлардан олиб келинди. Ўшанда «Бу аёл беҳуда уринаяпти-да, тошлоқда сув сингмайди, шамол экинни ўстирмайди, меҳнатига куяди», деганлар ҳам бўлди. Аммо ҳар қандай қийинчиликларни мардона енгиб ўрганган Бувсалима опа чекинмади.

Тоғда кўзи битган булоқни очиб, қувурлар орқали сув олиб келди. Боғ ичида катта ҳовуз

Ая она заминга, табиат ва дов-дарахтларга меҳр қўймоқни ўзининг инсоний бурчи эканини аниқлаб етди. Ва машаққатли катта меҳнат эвазига обод қилган бўстонни Самарқандда фаол маърифатпарвар зиёли сифатида танилган инсон — умр йўлдоши, ажойиб олим, фалсафа фанлари номзоди, доцент Тангир Сатторов билан бамааслаҳат «Маънавият боғи» деб атай бошлади. Мўъжазкор табиатнинг бу сўлим маскани ижод аҳли, устоз ва мураббийларни баҳор ва ёз ойларида ўзига оҳанрабодай тортадиган мафтункор гўшага айланди.

Бувсалима опа учун умид билан экилган ҳар бир ниҳол бами-соли жонли мавжудот эди. У ёшлиқдан дарахтларни қаттиқ севади, кейинчалик эса уларга ўз фарзандлари каби меҳр қўйди, чин юракдан эъозлади. Ҳатто улар билан «сўзлашадиган», қалб кўзи билан қарайдиган, ҳақратон қишда, жазирама саратонда ҳам ёнидан кетмайдиган бўлди. Энг қизиги, Бувсалима опа нафақат бу сирли дарахтларни ардоқлар, балки куртагу меваларини илоҳий неъмат деб биларди. У: «Агар меҳр бермай кўчат ўтказсангиз, саргайиб, ўсолмай не-не азобларни кўради. Чунки сиз уни буйруқ билан эккансиз», дерди гурунг орасида.

Кўпинча зиёлилар орасида

Бувсалима опанинг «Маънавият боғи» ҳақида ибратли гап-сўзлар айтилади. Бу жойни бир марта сайр қилиб, Бахмалнинг сархил меваларини тотиб кўрган одамнинг руҳи тозарради, кўнгил дунёси бойийди. Балки шу боис ҳам Бувсалима ая 2003 йилда Бахмал туманида ўтказилган «Бол томаётган боғлар» кўрик-танловида барча номинациялар бўйича голиб деб топилган ва самарали меҳнати, ибратли ҳаёти кўпчиликка намуна бўлган эди....

Ҳозир Ойқор тоғлари этаклари саналган Бахмал томонларда олтин куз ўз «санъат»ини кўз-кўз қилаётир. Табиийки, жаннатноманд ўлкамизнинг чекка гўшасидаги боғ ҳам ўзгача қиёфа касб этиб, кишини тўлқинлантиради. Лекин... на илож, тақдирнинг ёзуғи шу экан — Бувсалима Сатторова бундан икки йил аввал, шунча йиллик заҳматли меҳнатининг меваларини энди-энди тоғ-тиб юганида, айни олтиш ёшга етай деганда дунёдан ўтди. Ўшанда бутун умрини эзгуликка бахшида этган бу инсонни кўрган, таниган ва билганлар унинг эзгу амаллари ҳақида хайратга тўлиб сўзлашди. Яхшидан боғ қолар, деганлари шу бўлса, не ажаб?

**Мамаюнус ПАРДАЕВ,**  
иқтисод фанлари доктори.

# АЛПОМИШИМ ДЕБ ЭРКАЛАНГ

Бу дунёда номсиз нарсанинг, исмсиз мавжудотнинг ўзи йўқ ҳисоби. Кексалардан кўп бора эшитганмиз, оти йўқ нарсадан одамлар ҳатто ҳазар қилишган. Негаки, Яратганнинг ҳар бир мўъжизаси ўз жисму номи билан бирга бино бўлган десак янглишмаймиз. Шу жумладан, инсон зоти ҳам.

Шундай экан, замонларнинг эврилиши, тараққиёт босқичлари, одамзот тафаккуридаги кескин ўзгаришлар, шунингдек, турли хил аъналар, расм-русумлар исмларга қандай таъсир кўрсата олди? Очигини айтганда, бугун Бўрибой ёки Кўзибой, Теша ёхуд Болта деган номларни эшитган XXI аср боласи ажабланиши табиий. Чунки улар учун бу исмлар энди жуда эриш туюлади.

Аслида, оилада янги фарзанд дунёга келса, энг аввало, шу хонадоннинг кексаларидан маслаҳат сўралади. Бу азалий ода-тимиз. Қолаверса, у ўғилми ёки қизми, барибир, кўпчилик билан бамааслаҳат иш тутилган. Баъзан ўз билганича ёки бўлмаса, боқий аъналарга эътиборсизлик оқибатида беўхшов ва кулгули исмлар ҳам қўйилган. Кейинчалик эса бундай шовма-шошарликлар бола руҳиятига ҳам таъсир кўрсатиши натижасида ўз исмидан уялиш, ҳатто ўзгартиришгача етган ҳолатлар рўй берганига кўпгина ҳаётий мисолларни келтириш мумкин.

Бугун эса замон ўзгарди, одамлар ҳам исм танлашда етти ўлчаб бир ке-сишмоқда. Темур, Улуғбек, Дилором, Алишер, Мухаммад, Гулсанам, Бобур, Ойбек, Мохинур, Юлдуз... Бундай ранг-баранг ва эшитганингиз захоти кўнгил ёришадиган исмлар танлашга ўргандик. Тасав-вур қилинг, Ер юзида уч мингга яқин тил борлигини эътиборга оладиган бўлсак, демак, миллиардлаб исмлар бор экан. Улар орасида ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбекча исмлар ўзининг мазмундорлиги ва жарангдорлиги билан ажралаиб туради.

Лекин... афсуски, ўғил-қизларига айрим хорихий кино ёки эстрада «юлдуз»ларига тақлид қилиб, ғайриодатий исмлар қўйишгаётганини ҳам эшитаямиз. Ёки бўлмаса, хорихий теле-сериялар таъсирига тушган оналарнинг болаларини ўз исмлари қолиб, «жумончам», «де жойоним», «эсмеральдам» дея эркалаётганига гувоҳ бўляёмиз. Ундан кўра, Ҳакимбекнинг аллиғи, Барчинойнинг сулувлиғи, Темурбек ва Жалолиддиннинг мардлиғига, Алишер ва Бобурларнинг донишмандлиғига алоҳида ургу бериб, фарзандларимиз оғу тафаккурига синг-дирсак, уларнинг номлари билан атаб сўйса, эркалалтсак, минг марта афзал эмасми?

**Озода ХУШБАҚТОВА,**  
ЎзМУ талабаси.



«Назирага ота-онамнинг раъйига қараб уйлангандим. Дастлаб бинойидай яшадик. Тўнғич фарзандимиз туғилгач, у ўзгариб қолди. Уй юмушларини онамга ташлаб қўйди. Ота-синикига тез-тез аразлаб кетар, истаган нарсасини олиб беришни ваъда қилиб, уйга қайтариб олиб келардик. Шу орада иккинчи ва учинчи фарзандимиз туғилди. Назира болаларимиз тарбияси билан шугулланиш ўрнига уларни бетгачопарликка, ҳатто ота-онам буюрган юмушларни ҳам бажармасликка ўргатарди. Йўқ жойдан жанжал чиқариб болаларни ҳам бува-бувиси билан уриштириб кўярди. Бора-бора ишдан уйга қайтишни ўйласам юрагим санчидиган бўлиб қолди. Онам бечора: «Етимликда катта бўлганман, невараларимга у кунларни раво кўрмайман», дерди. Аммо пичоқ бориб суякка такалди. Ота-онам соғлиғимни ўйлаб ажрашимизга розилик беришди.

Бу орада отам вафот этди. Шундай қилиб, яна саккиз йил оилам эпачага келиб қолар, деб тишимни тишимга босиб яшадим. Еши ўтган сайин Назиранинг феъли баттар оғир-

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

## Бахтли бўлинг!

лашди. Фарзандларим ақл-хушини йиғиштириб олишгач, қимда айблигини билишди. Ҳозир улар ҳаммаси уйли-жойли, бола-чақали, ўзларидан тинишган. Назира билан куноний ажрашганман. **Ёшим 62 да.** Маълумотим олий. Нуфузли ташкилотда хизмат қилиб нафақага чиққанман. Уй-жойим етарли. Ёшимга мос, меҳрибон, хушмуомала, бефарзанд аёл учраса, хабар берарсизлар.

**ОДИЛ ака,**  
Тошкент шахри».

«Мурод билан талабалик чоғларимиз танишган эдик. Ота-онам ёлғиз фарзандимиз деб чекка вилоятга узатмаймиз деб норози бўлишди. У Тошкентда яшайман, қизингизга уйланаман деб оёқ тираб олди. Йил томон ҳам бизнинг шаҳарда яшашимизга рози бўлди. Рисоладагидек тўй қилдик. Ахил-иноқ яшай бошладик. Аммо негадир фарзандли бўла-

вермадик. Умидимизни узмай довланавердик. Муроднинг ота-онаси неча марта бизни ажраштироқчи бўлди. Ўн бир йил деганда орзумиз ушалди. Ўғилли бўлдик. Биздан-да бахтиёр инсон йўқдай бошимиз омонда эди. Эримнинг омади чолиб, иши юришиб кетди. Афсус, қисматимда бор экан, шундай бахтли кунларнинг бирида у менга хиёнат қилди. Ўз ишонган дугонам билан бахтимга чанг солди. Не ниятларда кўрган фарзандим ота меҳрига зор ўсмоқда. Гоҳида нам қай-гура боғтсам, ота-онам далда бўлишади. Нуридийдамнинг бўйи-бастига қараб барини унут-таман. **Ёшим 36 да.** Маълумотим олий. Ўғлимга оталик меҳрини бера оладиган, иши тайин, иймонли, инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**ГУЛБАҲОР,**  
Тошкент вилояти».

«Турмуш ўртоғим иккимиз

бутун умр ҳалол меҳнат қилиб, фарзандларимизни ўқитдик, уйли-жойли қилдик. Қиз бола ўқиса, хунарли бўлса, уч-тўрт сўм маблағ топиб, оиласига нафи тегади деб, кенжа қизимизни ҳам ўқитдик. Билим юртини тамомлагач, ўз соҳаси бўйича нуфузли ташкилотда иш бошлади. У ақлли-хушли, оғир босиқ қиз бўлгани учун эшигимизга сўраб келувчи совчилар кўп эди. Келганларнинг бирини маъқул кўриб, орзу-хаваслар билан узатдик. Қизим борган жойига астойдил меҳр қўйиб ҳам оиласини, ҳам иши-

ни эплаб, бинойидай яшаб юрганди. Бирдан куёвимизнинг ёмон қилигидан хабар топиб қолдик. Қизимнинг оиласи бузилиб, уйимизга қайтиб келди. Шундан буён на еганимизда, на ичганимизда ҳаловат бор. Дадаси иккимиз сиқилганимиз-сиқилган. Наҳотки, шундай қизимиз бахтсиз бўлса? Уйлай-уйлай, сизларга мурожаат қилишга аҳд қилдик. Қизимнинг ёши 20 да. Бир оилани гуллатишга ишончим комил. Уйли-жойли, хунарли ёки олий маълумотли, энг муҳими, ичмайдиган, чекмайдиган, эътиқодли, тошкентлик ёки самарқандлик 30-35 ёшлардаги инсон учраса, қизимизнинг бахтини кўрсак дегандик.

**МУНАВВАР ая,**  
Самарқанд вилояти».

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

«Бахтли бўлинг» руқнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла кўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

# ГУЛДАН НОЗИК КЎНГЛИ БОЛАНИНГ...

ОЙНА

Ўзим ўқитувчиман. Синфимда 30 нафар ўқувчи таҳсил олади. Демак, ўттиз хил феъл-атвор, яна шунча чехра ва тақдирлар мужассам дегани бу. Хаммаси беғубор, самимий. Хаммасини жуда яхши кўраман. Ҳар бири ўзига хос ва хали «кашф» этилмаган кичик бир олам. Аммо...

Синфимдаги бир ўқувчининг сабаб-сиз дарс қолдириш одатлари мени таажжубга солди. Шунинг учун бир кун уни дарсадан сўнг олиб қолиб, суҳбатладим. Бола жим. «Нега бошқаларга қараганда сенинг билдинг, давоматинг паст. Бу аҳволда ўқишни ўзлаштира олмайсан-ку», — дедим. Шундан кейин бола дарсга беш кун келди, ўн кун... к е л м а д и. Юқори синфда акиси ўқир экан. Секун суриштирсам, унинг ҳам аҳволи укасидан яхши эмас. Уздан онасининг телефони рақамини олдим ва кечкурун кўнгирак қилдим. Сўзларидан бамаъни аёлга ўхшади.

Хайрлашаётим «Шу боламини ўқитиб, одам қилиб беринг, ўзим сизни рози қиламан» деб қўйди... Бу гапни эшитиб, барибир чидаб туролмадим ва «Кечирасиз, ўғлингиз одам бўлган. Фақат мактабга келишини таъминланг, илтимос», дедим.

Эртаси кунни ўқувчимдан дарак бўлмади. Ноилож, яна онаси билан гаплашишга мажбур бўлдим.

«Ҳаво учук, оёқ кийими йўқ эди. Шунинг учун иккала болам ҳам дарсларга бора олмаепти», деди у. «Опа, сиз билан юзма-юз гаплашиб олайлик», — дедим. Орадан бир кун ўтгач, ўша

аёл келди. Узун бўйли, кўринишидан кибрли, ўсма-сурма, пардоз-андоз, хушбўй атирлар... қимматбахор плаш, чарм этиклар, тилла тақинчоқлар ўзига ярашиб турибди. «Бўлақолинг, шошиляпман, ташқарида машина кутиб турибди, нима бўлса мана, тайёр», — деди у бетоқатланиб. «Раҳмат, агар малол келмаса, сиз ўша ёрдамни фарзандларингизга қилинг. Ажойиб ўғилларингиз бор, иккаласига ўртача нархдаги иссиқина кийимлар олиб беринг, мактабга келсин. Ёки мактабимизда кам таъминланган оила фарзандларига бепул кийим-бош тарқатилмоқда. Яшаш



жойингиздан кам таъминланган оила эканлигингиз ҳақида маълумотнома олиб келинг, болалар эртагаёқ кийим-бошли бўлади» деганимни биламан, у жаҳл билан гапирга кетди: «Вой, мени ким деб ўйлаясиз, худого шукр, ўзимга тўқман. Бировдан кам жойим йўқ, сиз айтаётган нарсаларга зор ҳам эмасман!» Савол-жавобимиз энди жиддийлашди:

— Унда нега оёқ кийими йўқ деб баҳона тўқийсиз. Ҳеч бўлмаса мана шу кўлингиздаги тақинчоқлардан бирини сотиб, уларнинг уст-бошини бутланг...

— Вой, буларни олгунимча она сўтим озгизга келган, ошхонада эртадан кечгача ишлаганман-а...

— Наҳот, шу зормандаларни ўз болаларингиздан ҳам азиз деб ҳисоблайсиз?

Хуллас, бу кумуш-тиллолар асира-си билан гапимиз сира қовушмади. Аёл гудранганча, шошилиб чиқиб кетди.

Ажабо! Болалигимда отамнинг «Иж» русумли қизил мотоцикли бўларди. Аммо ёзда сомон тўдалаб, беда ўриб-қуритиб, қиш ғамини тугатиб, мактаб бошланишидан аввал, албатта биз — беш фарзандни у киши навбат билан бозорга олиб бориб, кийим-бошу пойабзаллар олиб берарди. Яна денг, онам ҳам бизларга қизиқ эرتаклару, романлар ўқиб берар, ҳар бимизнинг туғилган кунимизга албатта китоб совға қиларди. Шу анъана талабалик давримда ҳам давом этиб, энди ҳар стипендиямдан онам учун китоб харид қилардим. Эҳ, ўша дамлар... Онам билан отам бозорга борса, қимматбахор мато эмас, китоб харид қилиб, уни бир кунда кечаси билан ўқиб чиқишганлари... Ва эртаси куниеқ уйдаги юмушлар билан банд бўлганимизда онам ўша китобнинг маъносини айтиб бериб, охирида бизга савол ташлашлари... Булар болалигимнинг энг ёруғ ва унутилмас кунлари эди...

Севимли газетамга ўзимнинг кўнглимдан кечган айрим дил изҳорларим ва кузатув, мулоҳазаларимни йўллашдан мақсадим битта: у ҳам бўлса, муҳтарам ота-оналар, сиздан илтимос ва ўтинчим, фарзандингизга устоз бўлинг, қўлидан тутинг, юзидан силанг. Нафақат китоб ўқитиш ё ўқишни эмас, ён-атрофдагилар, катта-кичик, ўзига хос ижодий, руҳий муҳит билан ишлашни ўргатинг. Болангизнинг кўнгли гулдан-да нозик, ниҳоятда мўрт. Сал нарсасга эгилади, зинҳор синишига йўл қўймайлик, кейин тиклаш осон кечмайди.

Зебунисо ҒАФФОРОВА,  
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов  
туманидаги 219-мактаб  
ўқитувчиси.

## ХУНАРМАНДЛАРГА СОЛИҚДАН ИМТИЁЗ БОРМИ?

САВОЛ-ЖАВОБ

Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъат бўюмларини ишлаб чиқарувчи жисмоний шахсларга солиқ тўловлари бўйича енгиллик ва имтиёзлар берилганми?

Абдулла Каримов,  
Нарпай тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармониغا асосан, уй шароитида яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар учун қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан имтиёзнинг амал қилиш муддати «Хунарманд» уюшмаси аъзолари — яқка тартибдаги тадбиркорлар учун 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилди. Бундан 13 йил муқаддам қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунарман-

дчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида юртимизда халқ хунармандлари давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Солиқ органларининг ўрганиш ва таҳлил ишлари натижаларига кўра, халқ хунармандчилиги соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сони кейинги 5 йилда 2419 нафарга кўпайган. Уларга бир йилда ўрта ҳисобда 4,8 млрд сўмдан кўпроқ солиқ имтиёзлари қўлланилиб, ушбу маблағлар халқ хунармандчилигини янада ривожлантириш ва хунармандлар фаолиятини кенгайтириш мақсадида уларнинг ихтиёрида қолдирилмоқда.

Бахтиёр НОРМИРЗАЕВ,  
Давлат солиқ қўмитаси  
жисмоний шахсларга  
солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи.

СПОРТ ▼ СПОРТ ▼ СПОРТ

### САБИНА — ТУРНИР ФОЛИБАСИ

Малайзиянинг Кучинг шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) томонидан хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Сабина Шарипова яқкалик ва жуфтлик беллашуварларида бош совринни қўлга киритди.

Турнирнинг энг кучли иштирокчиси сифатида биринчи рақамда сараланган ўзбекистонлик теннисчи бош соврин учун учрашувда иккинчи рақамли теннисчи Санди Гумуля (Индонезия) билан кортга чиқиб, рақибаси устидан 6:4, 6:3 ҳисобида зафар кучди.

С. Шарипова турнирнинг жуфтликлар мусобақасида финалдаги рақибаси Санди Гумуля билан ҳамкорликда ўйнаб, халқ қилувчи беллашувда хиндистонлик Рушми Чакраварти ҳамда франциялик Элоди Рогге-Дитрихи 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди ва бош совринни қўлга киритди.

### ФУТБОЛ: ГАЛАБАЛАР, ЧЕМПИОНЛАР...

Ушбу ҳафта футбол воқеаларига бой бўлди. Аргентинада ноғиронлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ноғиронлар терма жамоамиз иккинчи марта жаҳон чемпионлигини қўлга киритган эди. 30 октябрь кун улар тантанали равишда кутиб олинди.

Яқинда эса миллий чемпионатимиз ўйинлари якунига етди. «Бунёдкор» олтин, «Пахтакор» кумуш, «Насаф» эса бронза медалига сазовор бўлди. «Локомотив» ва «Хоразм» жамоалари биринчи лигага йўл олди.

Шу кунларда юртимизда 16 ёшли футболчилар ўртасида Осиё чемпионати ўзининг кизгин палласига кирди. Юрдошларимиз сурияликларни мағлубиятга учратиб, чорак финал ҳамда жаҳон чемпионатида йўллангани қўлга киритишди. Чорак финалда улар Австралия терма жамоаси билан учрашишди.

### НАТИЖАЛАР ЧАККИМАС

Грецияда шахмат бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари тўққизинчи турда муваффақиятга эришди.

Совринли ўринларга даъвогарлик қилаётган Нодирбек Ёқубов саккизинчи турда мусобақа пешқадами украинлик Кирилл Шевченкодан ярим очко олгач, тўққизинчи партиядо яна бир етакчи шахматчи Матей Петков (Болгария) билан ҳам дуранг ўйнади. Ҳозирча, етти очко билан туртинчи поғонада бораётган Нодирбек ўнинчи турда учинчи ўриндаги хиндистонлик Рам Аравинд билан куч синашди.

Мусобақада барқарор ўйин кўрсатаётган ҳамюртларимиздан Ортиқ Неъматов Жанубий Африка Республикаси вакили Даниел Барришни, Фаридо Хурсанова туркиялик Ешим Пателни мот қилиб, олтидан очко билан юқори ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» асоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 15:00  
Босишга топширилди — 16:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000

Амир Темуру кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1032. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7765. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ  
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Мафтуна МИНГБОЕВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 5